«ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШ ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ»

Юлдузхон Раҳимова
Фарғона вилояти "Оқила аёллар"
ҳаракати етакчиси, II даражали
"Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси

Бўлажак оила бекалари—қизлар тарбияси, одоби, ҳуқуқий саводи, уларни мустақил оилага тайёрлаш, билимга интилишини қўллаб-қувватлашдек масалалар ҳам харакатнинг дастурий-режасида алоҳида белгиланган. Айни шу мақсадда Тургуной Эгамбердиева, Дилоромхон Меҳмонова, Мастурахон Сайфуддинова, Маърифатхон Ахунжонова, Зуҳрохон Алиева, Сайёрахон Алимова, Хадичахон Каримова, Дилоромхон Раҳимова, Ўктамхон Солиева, Шаҳнозахон Ғаниева сингари ҳаракатнинг жонкуяр фаоллари Фарғона давлат университети ва бошқа олий таълим муассасаларида, техникумларда, Марғилон, Қувасой, Фарғона шаҳарлари, Қўштепа, Ёзёвон, Қува, Бағдод, Бешариқ, Фурқат туманлари маҳаллаларида уюштирган маърифий тадбирлар, суҳбатлар таъсирчанлиги билан ёдда қоларли бўлди. Бундай ҳаракатдан олий таълим муассасаларидаги "Оқила қизлар ҳаракати" аъзолари ҳам четда қолмаётганларидан хабаримиз бор. Ҳаммамизга маълумки, йил номи билан боғлиқ Давлат дастурининг 1-илова 6-бандида маҳалла ходимлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, уларнинг билим ва кўникмаларини доимий ривожлантириш тизимини йўлга қўйиш вазифаси илгари сурилган. Бугун ўтказилаётган "Маҳалла ва ОТМлар фаолиятида ёшлар иштирокининг гендер механизмлари" мавзуидаги Халқаро конференция ҳам ана шу вазифалар ижросига бежиз қаратилмади. Жамиятни ривожлантиришда унинг негизи бўлган оилалардан қарор топган, тараққиёт тақозоси билан инфратузилмалари, иқтисодий-ижтимоий салоҳияти ривожланиб бораётган маҳалла институтининг ўрни ва роли беқиёс. Шунинг учун ҳам уларнинг ваколат ва имкониятлари тобора кенгайтириб бориляпти. Аммо кузатишларимиздан келиб чиқиб айтаманки, ҳамма жойда ҳам маҳалла фаолиятида ёшларнинг гендер имкониятларидан келиб чиқиб иштирок этишига эришиляпти, дея олмаймиз.

Буни биргина бизнинг жамоат фаолиятимизга ҳам дахлдор бўлган оилаларни мустаҳкамалашдек масъулиятли ишдаги кўрсаткичлар кўрсатиб қўймоқда. Бу, албатта маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг билим ва кўникмаларини бугунги илмий мезонлар, ҳуқуқий маромлар орқада қолаётганини кўрсатиб турибди. Бу, турмуш билан боғлиқ ҳаёт илгари сураётган муаммоларга ечим берадиган ҳолатларни топишга қаратилган, маҳалла фаолиятида ёшлар иштирокининг гендер механизмларини яратишни ва ишга солишни тақозо этмоқда. Назаримда, айни шу йўналишда маҳалла ходимларининг социолог, психолог олимлар, фаол амалиётчилар, ибратли ёшлар иштирокидаги доимий ўқувларини ташкил этиб, уларни зарур билим ва кўникмалар билан қуроллантириш зарур, деб ҳисоблайман. Менимча, бу ўқувларда маҳаллалардаги “Оқила аёллар ҳаракати” аъзолари ҳам иштирок этсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу маънода бугунги Халқаро конференция маҳалла ходимлари фаолиятини тубдан жонлаштириш, унда ёшлар иштирокининг гендер механизмларини кашф этишда зарур тавсиялар беришига ва улар турмушга фаол тадбиқ этилишига ишонамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. // Ҳидоят. –Тошкент: 2017. № 6. –Б.7

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. –Б. 737

3 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Футий. “Талҳис маърифат ал-рижъал”// Нажиб Мойил Ҳаравий тарж. - Машҳад, Остон Қудс Ризавий, 1993 й. – Б. 3

4 Фазл ибн Аҳмад “Иддат ал-уқул ва умдат ул-маъқул”. - Машҳад, Остон Қудс Ризавий, 1993 й.- Б. 20.

5 Am‘ak-ı Buhârî, Dîvân (nşr. Saîd-i Nefîsî), Tahran, ts., s. 188.